Фарида АФРЎЗ



## ҚАДАҲ СЎЗ

Ҳар кишиким,
май истади, майхонасин топди,
Истади гар,
ишқ уйин, остонасин топди.

Ҳар кишиким,
асли шунқор, манзили қоя унинг,
Кимки бойқуш
насли эрди, вайронасин топди.

Ҳар кишиким,
сўзи шаккар, дунё унинг кафтиндадир,
Кўнглида гар,
ғурбат, ҳасад, ғамхонасин топди.

Кимки, безди,
даҳр аро, ўзни йўқотди бемажол,
Гарчи узлат,
гарчи хилват, ҳамхонасин топди.

Истади чин,
дўсту ҳалак, жон ичра жонони керак,
Мингта гирён,
Мингта сарсон, бирдонасин топди.

Ҳар кишиким,
ўзни ёқди, ошиқ этиб бул шаъм каби,
Гарчи куйди,
гарчи ёнди, парвонасин топди.

Дод, фалакнинг
додидин, барбод этар бунёдидин,
Кимки Фарид,
зотидин афсонасин топди.

* * *

Дилимни оғритди, дилимдагилар,
Туну кун номлари тилимдагилар,
Офтобим, шамолим, селимдагилар,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Заҳарлар келтирди, шароблар тутдим,
Ғийбатлар уйдирди, итоблар тутдим,
Қасамлар ичдилар, савоблар тутдим,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Дастурхон тўримда шарбат тотдилар,
Ўгрилдим, ортимдан тошлар отдилар,
Улар мени бунча осон сотдилар,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Душманим айёрдир, пайтлар пойлайди,
Дўстим эса нодон, сувни лойлайди,
Иккиси бир бўлиб кўзим бойлайди,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Жонимга жазодир, жонимдагилар,
Кўзимнинг қароғи, қонимдагилар,
Эй, воҳ, бегонадир ёнимдагилар,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Аслида дўст ҳам бир душманнинг тури,
Душманнинг энг зўри, душманнинг шери,
Чунки қўлидадир кўнглингнинг сири,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Бошимга балодир, балодир кўнглим,
Бир сўзнинг тиғидан яродир кўнглим,
Дўсту душман аро адодир кўнглим,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Ўзингдан йўқ ўзга маҳрами жоним,
Ўзингсан Султоним, ўзинг Ҳоқоним,
Ўтда куйдирмагин икки жаҳоним,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Оллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

## УЧЛИКЛАР

Куёшга чиқмоққа йўл ҳам топилар,
Ер шарини гир айланмоқ осон —
Кўнгилнинг тубига етмоқдан кўра.

* * *

Кипригимга осон бўлмади,
Не-не ҳарсангларни кўтарди,
Кўтаролмас энди гардингни.

* * *

Шамолда тебранар, ҳорғин,
Пишаётган анор -
Ҳомиладор аёл.

* * *

Ер айланиб чарчамагунча,
Қуёш ёниб-совимагунча
Сени севавераман.

* * *

Қўлингни бер,
Кафтингдан тутай, бармоғинг ўпай,
ВАҚТ.

* * *

Мен бир ҳовуч сувман кафтингда,
Тўкиб юборсанг,
Тўлқинман.

* * *

Бармоқларим гулга теккиздим,
Япроқларин силадим аста,
Кафтим чизиқлари узайди.

* * *

Сувнинг қоқ ўртасида
Тебранади ер -
Гуноҳлардан титрайди жони.

* * *

Туғилганда кучли эдик, нақадар,
Нақадар заифмиз,
Ўлаётганда.

* * *

Ҳайрат —
Тириклигинг ҳақидаги
Хабар.

* * *

Дўстинг қўлингга,
Ёринг ҳуснингга,
Онанг эса йўлингга қарайди.

* * *

Нинани ўғирлаганга ҳам
Қонун бор.
Қалбимни нима қилдинг, айт?!

* * *

Уч қатор шеър ёздим,
Ва жон, деб
Бугунимга алмашдим уни.

Наби ЖАЛОЛИДДИН



## ОЗОДЛИК

Боболар орзуси — гулим Озодлик,
Жондек ширин, сувдай сўлим Озодлик.

Гардлари куй чалсин киприкларимда,
Қароғимга тушган йўлим Озодлик.

Ватаним бошида тождек ярқирар,
Осмонда Ой мисол тўлин Озодлик.

Ифорларга эшдир олмиш нафасим,
Бағримдаги ишқи лим-лим Озодлик.

Ҳар не даҳшатлари ҳечдир сенинг-ла,
Бағрингда ҳузурдир ўлим, Озодлик.
Ҳурликдан чинордек виқорли ўзим,
Дуоларга очиқ қўлим, Озодлик.

## БАҒРИМДА БИР ҚЎШИҚ КУЛАР

Ватан, гардларингга жонимни тикдим,
Улуғ фидоларга келди ўхшагим.
Умрим лаҳзасига эзгулик экдим,
Ва улар пойига меҳрим тўшадим.
Кокиллари яшил, эрка малагим.
Жонимдан майсалар унар, қарагин!

Мозийлар қатида давронларинг бор,
Давронларинг сурган султонларинг бор,
Ҳам қонлар ютганинг замонларинг бор,
Энди мовий — мовий осмонларинг бор,
Ҳурлик, тинчлик дея жони ҳалагим,
Бағримда бир қўшиқ кулар, қарагин!

Бу кун хаёлдайин шиддатинг учқур,
Оппоқ орзуларинг ўзингдайин ҳур.
Мен жимит ҳужайранг — паноҳ бўлиб юр
Ва олам ичра сен ўз оламинг қур,
Кўкси баландгинам — осмон — фалагим,
Бошимга Ой қалпоқ бўлар, қарагин!

Истиқлол келиндай турар солланиб,
Унинг бўсасидан юзинг олланиб.
Боғларинг, тоғларинг тили болланиб,
Шону шавкатингни айтурлар ёниб.
Темурий султондай ёвқур билагим,
Жонимдан майсалар унар, қарагин!...

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

# МИЛЛАТНИНГ УЧ УСТУНИ



Ўн тўрт йил тарихан ҳам қисқа вақт. Шу қисқа вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу воқеалар мамлакатимизда эволюцион тарзда кечди. Менимча, буни ҳар бир юртдошимиз кўриб, ҳис этиб турибди.

Мустақиллик туфайли одамлар руҳиятида уйғониш рўй берди. Кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида — иқтисодиёт, адабиёт, фан... мустақиллик ўзини намоён қилди.

Олис тарихга назар ташласак, қадим замонлардан буён одамлар озодликка интиқ бўлиб яшаган. Зулм билан Ҳуррият бир-бирининг ёқасидан тутиб тураверади. Кураш давом этаверади. Эзгулик ҳамиша ғолиб келаверади.

Чойхоналарда, гузарларда , хонадонларда одамлар завқланиш учун қафасда каклик сақлашади. Қафасдаги каклик сайраса, маза қилишади. Зўр сайраяпти, дейишади. Ваҳоланки, у сайраётгани йўқ, нола қиляпти. Агар уни қафасдан чиқариб, қўйиб юборсангиз, бошқача сайрайди. Алишер Навоий бобомиз бежиз ёзмаган-ку:

Ғурбатда ғариб шодмон
бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу
меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар
қизил гул бутса,
Булбулга тикондек
ошён бўлмас эмиш.

Бизнинг халқимиз шу қафас ичидаги булбул ҳолатида эди. Адабиётимиз ўша қафас ичидаги каклик мисоли эркин ва озод куйлай олмас эди. Ахир Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирдек миллатимизнинг хушовоз булбуллари темир панжаралар ичида азоб чекиб, нобуд бўлдилар-ку. Катта адибларимиз маънавий тазйиқ ва цензуравий таъқиқларнинг кўзга кўринмас панжаралари ичида соцреализм деган кишанларга банди бўлиб ижод қилмадиларми?

Айтмоқчиманки, қисилиб-қимтиниб айтилган гап эгасига етмайди. Салафларимиз ижодини ўрганадиган бўлсак, уларнинг асарларидаги рамзлар тагмаъносида озодликка интиқлик туйғуси мавжуд эканини ҳис этамиз. Биз улардан озодликни севишни ўрганамиз, мустақилликнинг қадрига етишимиз лозимлигини англаймиз.

Ўтган ўн тўрт йил давомида мустақиллик нима берди? Халққа ер берди, танасига тоза руҳ берди. Менга эса, бир ижодкор сифатида халқимнинг озодлигидан қувониш бахтини берди. Мустақиллик ижодда менга донғил, катта йўл очиб берди. Қишлоқда яшаб, эркин ижод қилиш имконини берди. Мустақилликнинг илк йилларида юрт озодлигини интиқ кутган миллатсевар шоиримиз Чўлпон ҳақида достон ёздим. Илгари қандайдир қора шарпалар кўнглимни чўлғаб олгандек эди . Туйғуларимни очиқ изҳор этолмасдим. Мустақиллик туфайли руҳиятимдаги қора шарпалар пардаси йиртилиб кетди. Кўнглимдаги кўланка йўқолиб, нур сочилди. Чўлпоннинг дарди умумхалқ дарди эди. Бу, албатта, озодликка ташналик. Мен ана шу ҳақда ёздим. Демак, достоннинг мавзуси — мустақиллик.

Сўнгра «Ботмай қолган ой» номли достонимни ёздим. Бу достон Усмон Носирга бағишланган. Кузатганмисиз, баъзида ой ботмасдан осмондан заминга, одамларга термулиб туради. Осмондан кетмай туради. Усмон Носирнинг эрк истаган руҳи ҳам Ватанга тўймай, халқнинг тепасидан қараб, термулиб турган ойга ўхшайди. Чўлпон эса тонг юлдузи демак. Халқимизнинг бошига ёприлган қора булутларнинг ичидан порлаган ёркин тонг юлдузидир.

Клеопатра —
Нилнинг бўйида
Ўз қўли билан
нилуфар узди.
Гўзал чечакни,
ёзуқсиз гулни
Ишдан чиқарди,
турмушин бузди.
Бир тўплам қилди,
бир ипак бирлан
Бошига осиб
уйқуга кетди.
Ул ухлаганда бутун
Мисрда,
Бутун ўлкада
уйғоқлик битди...

Абдулҳамид Чўлпон «Клеопатра уйқуси» деб номланган ушбу шеърида Миср ҳақида эмас, ўз юрти ҳақида ёзган. Халқнинг сардорлари, улуснинг пешволари ухла-дир.



Шу дамгача ёзган деярли барча достонларимнинг ҳаммаси мустақиллик ҳақида. Бироқ биз истиқлол берган имкониятларга яраша меҳнат қилолмаяпмиз. Тарихий мавзуда асар ёзиш учун илмий-тарихий манбаларни чуқур ўрганиб, ўша даврни миридан сирига тадқиқ қилиб, бадиий асар битамиз. Бу кўпчиликка манзур бўлади. Тарихий мавзудаги яхши асарларимиз бисёр. Бироқ бугунги— мустақиллик тарихини, унинг моҳиятини тўлиқ акс эттирадиган асарлар кам.

Биз ўз бадиий асрларимиз орқали ёшлар тарбияси билан шуғулланишимиз даркор. Хусусан, мустақиллик педагогикасини яратишимиз керак.

16-17 ёшли ўсмир болаларнинг дунёқараши бир олам, романтик туйғуларга бой. Улар ҳаётни енил-елпи тасаввур қилишади. Турмушда ўзига хос қийинчиликлар ҳам мавжуд эканини билишмайди. Уларни биз меҳнат қилишга, илму фанни, тарихни ўрганишга мойил қилиб тарбиялашимиз керак.

Кўча-кўйда сочларини рангли буёқларга бўяб, бўйнига занжир, қулоқларига зирак тақиб олган йигитчаларни учратамиз. Уларнинг қўлида уяли телефон, ҳар хил ўйинларни ўйнайдиган ўйинчоқ компютер, пиво шишаси... Хуллас, ҳар балони кўриш мумкин, лекин китоб йўқ. Улар китоб

## Адиб ва жамият

ўқимай қўйишди. Ўз вақтларини компютер ўйинлари ўйнаб, бошқотирмалар ечиб ўтказадиган ёшларимиз ҳам талай. Мен уларга қараб туриб, ўзимнинг болалигимни эслайман. Қўлимдан китоб тушмас эди. Туни билан, куни билан ўқирдик. Ойим мени: «Бўлди чарчадинг, болам, чироқни ўчирмайсанми?» — деб койисалар ҳам китобдан ажралмас эдим.

Китоб ўқиш ҳам — меҳнат. Бу меҳнатни чидаганга чиқарган. Болаларимиз дангаса бўлишмасалар дейман. Руҳлари бақувват, дунёқарашлари теран, феъл-атворлари собит бўлишса, уларни ҳеч ким йўлдан оздиролмайди.

13 май куни мен Тошкентда эдим. Тўғрироғи Озод ака Шарафиддиновни беморхонада эканини эшитиб, у кишини кўриш учун келган эдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Абдулла ака Орипов мени кўриб: «Тезда Андижонга етиб боринг. Одамлар ичида бўлинг», — деди. Озод акани кўргани касалхонага борсам, Рамз Бобожон билан ўтиришган экан. Озод ака мени кўрибоқ:

— Андижонда нима гап? — деб сўради. Мен воқеани айтгандим, Озод ака ҳўнграб йиғлаб юборди. Мен ҳам ўзимни тутолмадим... Рамз ака алланечук бўлиб, ҳаяжонланиб қолдилар. Озод аканинг хонасидан чиқиб, Абдулла Ориповнинг гапларини эсладим: «Одамлар ичида бўлинг!»

Беихтиёр Чўлпоннинг «Халқ» шеъри ёдимга тушди:

**Бутун кучни халқ ичидан олайлик,**
**Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!**

Мана шундай халқимиз бор. Террористлар ҳеч қачон мақсадларига эришолмайдилар. Ватан, халқ, Президент бирлиги мамлакатнинг учта устунидир. Ана шу оғир кунларда халқимиз ўзининг мустаҳкам иродасини, ўзбекона маданиятини бутун дунёга намоён этди.

Биз одамларнинг дардига дармон, ярасига малҳам бўлиш учун кўчама-кўча, уйма-уй юрдик. Халқнинг террористларга қарши бўлган ғазабини ва нафратини кўрдик. Чўлпон нақадар ҳақ эканига гувоҳ бўлдик.

Бизнинг эндиги вазифамиз халқнинг бошини битта қилишимиз, халқ билан бирдам бўлишимиз, давлатимиз раҳбари олиб бораётган бош йўлда бирлашишимиз зарур.

Юртимиз тинч, мамлакатимиз фаровон, халқимиз омон бўлсин!

# ЖУРНАЛИСТНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

## Китобингизни ўқидим

**Фармон ТОШЕВ, «Журналистнинг нони қаттиқ», Тошкент «Фан», 2004 йил**

Яқинда таниқли ижодкор Фармон Тошевнинг «Журналистнинг нони қаттиқ» деб номланган рисоласини мутолаа қилдим. Рисолада миллий журналистикамизнинг кўпчиликни ўйлантириб турган ўткир муаммолари тадқиқ этилган, ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз юритилган. Ҳозиргача кўпчилик эътибор бермай келаётган ва газеталаримизнинг бир-бирига ўхшаб қолишига сабаб бўлаётган, айниқса, ёш ижодкор учун жуда-жуда асқотадиган кўпдан-кўп масалалар унда қамраб олинган, тажрибали журналистларимиз ёзса арзийдиган маҳорат мактаби билан боғлиқ қимматли фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Фармон Тошев Самарқанд журналистика мактаби хусусида ёзар экан, ҳаёт синовларидан ўтган — газета савияси, саҳифаларни безаш, етакчи материалларни кўрсатиб бериш, шунингдек, журналистнинг ўз услубини шакллантириши, изланиши ва малака ошириши билан боғлиқ анъаналарга эътиборни қаратади, ўз тажрибасини содда, тушунарли тарзда ифодалайди. Масалан, сарлавҳа ва унинг остида бериладиган тагсарлавҳа, муаллиф айтганидек, материални очиб юборади ҳамда газетхон эътиборини жалб этади. Тагсарлавҳада бутун бир мақола мазмун-моҳияти яққол кўзга ташланиб туради. Нимагадир бу усулдан ҳозир камдан-кам фойдаланилади. Ҳолбуки, халқнинг: «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деган ҳикматида айтилганидек, яхши маҳсулот яратган одам уни реклама қила билиши ҳам керак.

Афсуски, ҳозир аксарият газеталар ўз қиёфаси, бетакрор безатиш усулига эътибор бермай қўйди, мақолани қолипга лойни ургандек қилиб саҳифага жойлаштириш, суратлардан ўринли фойдаланмаслик газетхон дидини ўтмаслаштириб қўяди.

Муаллифнинг рисолада куюниб айтган ҳар бир сўзи айланиб келиб устоз ва шогирд, малака ва маҳорат масаласига тақалади. Бунинг бир мисоли сифатида кейинги йилларда вилоят газетаси республика нашрларига ўндан ортиқ тиниб-тинчимас ёшларни етиштириб бергани қайд этилади. Улар орасида бугун тилга тушиб улгурган Нодир Жонузоқ, Ориф Тўхташ, Воҳид Луқмон, Ғайрат Саъдулла каби иқтидорли ёшлар борлиги қувонарли, албатта.

«Оллоҳ берган истеъдод, сўз санъатига ҳурмат ва заҳматли меҳнат ижодкорга обрў олиб келади, шу билан бирга, уйғоқ сўз қудратини ўзида намоён этади ва одамлар кўнглига маънавий ёруғлик, фикрига равшанлик бағишлайди», деб ёзади Фармон Тошев. Унинг таъкидлашича, бу ёшлар журналистика сирларини пухта ўзлаштириб олишган.



Муаллиф вилоят газетаси таҳририятида мана шу ёш ижодокрлар билан қандай муносабат ўрнатганини ва уларни амалий фаолиятга қандай жалб этганини ҳаётий мисоллар воситасида ҳикоя қилиб берган. «Мана, ҳозир Нодир Жонузоқ «Гап чиқди» телекўрсатуви билан кенг танилди, Ориф Тўхташ эса «Тўртинчи ҳокимият» кўрсатувини қойилмақом қилиб олиб бормоқда. Ғайрат Саъдулладек камтар ва камсуқум йигитнинг телевидениедаги ёниқ чиқишлари, ЎзАнинг етакчи ходими Воҳид Луқмоннинг уларга басма-бас ёзаётган ҳароратли публицистикаси дилимда ғурур-ифтихор қўзғайди», деб таъкидлайди муаллиф.

Қайси боғбон ўз қўли билан эккан, меҳр билан парвариш қилган ниҳоллар ҳосилга кириб, шиғил мева берганини кўрса қувонмайди, дейсиз?

Ижод оламига хос бўлган ворислик мана шундай ҳолатларда тўла намоён бўлади.

Шу ўринда устоз-шогирдлик масаласига кичик бир хулоса ясаб ўтайлик. Эҳтимол, бу ёшлар орасидан келажакда улкан сўз санъаткорлари етишиб чиқар, эҳтимол, турмуш ташвишларига ўралашиб маълум бир давонда тўхтаб қолар?! Аммо муҳими бу эмас. Фармон Тошев уларнинг қўлидан етаклаб, ижод оламига бошлаб кирганининг ўзи ибратли ишдир. Чунки бу уларнинг юрагини доимо нурлантириб туради. Одатда, киши ўзи кўрган яхшиликни бошқаларга қайтаришни истайди. Агар ҳар бир тажрибали устозларимиз мана шундай уч-тўртта малакали шогирд етиштириб берганида, бугун кўпгина тармоқ газеталари бунчалик оқсаб қолмасди. Нимагадир бизда куюнчаклик унча етишмайди. Ижордкор осмондан оёғини узатиб тушмайди-ку, ахир!

Фармон Тошнинг қувонч ва ташвишлари, безовта ўйлари кишида шундай фикрларни қўзғайди.

Китобдаги «Ажаб саодат эрур...» мақоласида ёзилишича, муаллиф газета таҳририятида талабалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатган. Шу боис, ижодга қизиққан ёшлар йил давомида таҳририятга келиб туради. Таҳририятдаги самимийлик, камтарлик ва соғлом иқлим уларнинг эркин ижод билан шуғулланишига замин яратиб беради.

«Китобчада битилган бирор-бир жумла шунчаки айтилмаган, — деб ёзади таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад рисолага ёзган сўзбошида. — Уларнинг ҳар бирининг ҳарорати, ҳаяжони, шиддати нур сочиб турибди. Тажрибали муҳаррир ва журналист, адиб ва шоир миллий матбуотчилигимизнинг энг нозик ва долзарб муаммолари ҳақида куюниб ёзади...

Энг муҳими, ушбу китоб бефарқ ўқилмайди, у ҳамкасбларимизга, айниқса, ёш журналистларимизга манзур бўлишига ишонаман».

Дарҳақиқат, журналистнинг нони қаттиқ, лекин унинг зиммасидаги вазифа ғоятда шарафли. У жамиятимизда фикр уйғотадиган, янгиликларни бошлаб берадиган одам. У тошқин сувнинг йўл очиб бораётган «тил»ига, чинор илдизининг «ниш»ига ўхшайди. Ва бунга у ҳар қандай шароитда муносиб бўлиши керак. Фармон Тошев ана шундай фидойи журналистлардан. Шу боис, унинг юрагидан отилиб чиққан ҳароратли сўз кишини миллий журналистикамиз, унинг бугуни ва келажаги ҳақида ўйлашга даъват этади.

**Ислом ҲАМРО**



Сув устида, денгиз устида
Қуёш ёнар юрак мисоли.

*Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.*

## ИҚРОР

Ёлғон дунё, бевафо дунё,
Сендан йироқ кетаман энди.
Ўтган умрим сароб ва рўё,
Ортга боқиб кўзларим тинди.

Ўтди ёшлик, тор келди тўним,
Болалигим қайтиб келмайди.
Хаёлларим тополмас кўним-
Саргардон бир қушга ўхшайди.

Куз ёмғири ёғади тинмай,
Осмон синиб кўлмакка ботган.
Кўзларимни яралар бирдай,
Киприкларим — санчилган тикан.

Қалдирғочлар тепамга келиб,
Чуғурлашар ёқимли, хушхон.
Қушлар ака-сингилдай бўлиб,
Хол сўрайди мендан меҳрибон.

Сариқ япроқ ёнимга тушса,
Дардларимни унга айтаман.
Севган ёрим йўлимни тўсса,
Иложим йўқ, уйга қайтаман.



## ИЛТИЖО

Ялқов қилиб қўйди
Касаллик танни,
Қўл ишга бормайди,
Тоқат йўқ зарра.
Ёнимда ётибди
Қорайиб қони,
Сўзларим соғинган
Қалам бечора.

Кўнгилда бир яра
Каттариб борар,
Дардисар томирлар
Совиган бешак.
Лек жисмим тебратиб
Бесабр урар,
Ҳаётдан умидин
Узмаган юрак.

Дангасалик менга
Ярашмас асло,
Дарҳол қаламимни
Қўлга оламан.
Дўстлар мендан кўнгил
Сўрашмас асло,
Мен энди юракка
Қулоқ соламан.

**Муҳиддин ОМАД**

# ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ЗАРУРАТИ




Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши, шубҳасиз, Мустақиллик шарофатидандир. Ўзбек халқининг ноёб бадиий анъаналарини сақлаш, бойитиш, илмий тарғиб қилиш ва улар билан кенг оммани таништириш, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган ва дунёга танилган миллий санъат мактаби истиқболини белгилаш Бадиий академия фаолиятининг бош йўналишини белгилаб берди.

Санъатимиз илдизлари қадим замонларга бориб тақалса-да, барглари бугунги кун ва келажак рамзи бўлиб гавдаланади. Ижодий йўналиш ҳақида гап кетар экан, шуни таъкидлаш керакки, ҳар йили Марказий кўргазма зали, Замонавий санъат маркази, Тошкент фото уйи ва Карвон—сарой маданият марказида 100 дан ортиқ кўргазмалар ўтказилади. Ижодкорларимиз Санъат музейида, Амалий санъат музейида, М.Ашрафий ва С.Есенин уй—музейларида асарларини мунтазам намойиш этиб келяптилар.

Бундан ташқари, Мустақиллик йилларида «Наврўз», Истиқлол байрамларига, 8 март, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган кўргазмаларни ўтказиш анъана тусини олди.

Корея Республикси рассомлар Ассоциацияси, Миср Араб Республикаси Университети, Халқаро Рассомлар Уюшмалари Ассоциацияси (Россия), Япониянинг Сока ва Токио миллий Университетлари, Халқаро фоторассомлар федерацияси (ФИАП), Грециянинг «Скиронио» музейи, АҚШнинг «Пинк Бридж Арт Галерея»си билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

2001 йили Тошкентда биринчи халқаро Биеннале бўлиб ўтганлиги катта воқеа сифатида эътироф этилди. Ҳайъат аъзоларидан бири, Рассомлар Халқаро конфедерацияси ижрочи қўмитасининг раиси М.Фатхуллин айтганидек, Биенналега келган хорижий рассомлар Ўзбекистонда санъатга давлат ҳомийлигини юксак баҳоладилар. Бу йил бу байрамни учинчи бор ўтказишга тайёргарлик кўриляпти.

Илмий йўналишда ҳам Бадиий академия бир қатор ютуқларга эришди. Таниқли санъатшуносларимиз бир неча фундаментал китоб ва албомларни тайёрлашда фаол қатнашдилар. Булар орасида «Бухоро — Шарқ дурдонаси», «Хива — минг гумбаз шаҳри», «Шаҳрисабз — мингйилликлар мероси», буюк алломалар, саркардалар, илм-фан фидойиларига бағишланган нашрлар бор.

Санъатшуносларимизнинг Ўзбекистон маданиятига бағишланган турли мақолалари Германияда чоп этиладиган «VOSTOK», Буюк Британияда чоп этиладиган «The Great Silk Road World Magazine» журналларида мунтазам нашр этилади. Санъат тарғиботи йўналишида «Санъат» журналининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этди.

Илмий йўналиш тўғрисида гап кетар экан, турли халқаро, минтақавий ва республика миқёсида бўлиб ўтган «Марказий Осиё маданияти: анъаналар ва замонавийлик» (1995, 1997), «XX асрдаги Буюк Ипак Йўли: янги фалсафа» (1996), «Камолиддин Беҳзод ва шарқ миниатюра санъати» (2000), «Ўзбекистоннинг урбанистик маданияти» (2003), Бойсун баҳори миқёсидаги «Фолклор ва халқ ижодиёти замонавий маданият контекстида» (2002, 2004) каби илмий анжуманларни кўрсатиб ўтиш лозим.

Катта тарихий тажрибага эга бўлган ҳар бир маданият учун миллий анъаналар, тарихий ва бадиий меросни ўзлаштириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Мустақиллик йилларида санъатшунос олимларимиз томонидан бу борада маълум ишлар қилинди. Жумладан, анъанавий маданиятимизга яна ҳам чуқуррок ёндошиб, XX аср санъати маданиятнинг яхлит бир ҳодисаси сифатида Ўзбекистон санъат тарихининг янги, ёритилмаган саҳифалари очиб берилди.

Янги аср, янги мингйиллик санъатшунослик фани олдига янги, долзарб муаммоларни қўймоқда.

Шу маънода Ўзбекистон санъатшунослигини, олимларимизнинг тадқиқотларини, илмий изланишларини дунё миқёсига олиб чиқиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда катта халқаро илмий лойиҳалар ҳақидаги ахборотга эга бўлиш, уларда қатнашиш, янги ахборот технологияларини, халқаро коммуникация тилларини ўзлаштириш, бошқа мамлакатларнинг илмий марказлари билан алоқаларни тиклаш, ўзаро илмий тажриба алмашиш катта аҳамият касб этади.

Санъатнинг бугунги жамиятимизда тутган ўрнини, унинг жамият ҳаёти билан боғлиқлиги муаммосини тадқиқ қилиш санъатшунослик фанида ҳамон долзарб мавзу бўлиб қоляпти. Санъатшунослик бадиий санъатнинг ортида эмас, унинг олдида бўлиши лозим. Бу жараёнда бизга янги кириб келаётган маданият соҳасини яхлит бир тизим сифатида талқин қиладиган санъат менежменти фанининг алоҳида ўрни бор. Агар биз санъат менежменти тарихига назар ташласак, ушбу фан, кенг олганда соҳа, Ғарбий Европа мамлакатларида етмишинчи йилларда пайдо бўлганини кўрамиз. Санъат менежменти пайдо бўлишининг асосий сабаби, маданият фақатгина давлат қарамоғида бўлиб қолмай, ўзини- ўзи маблағ билан таъминлаш йўлларини излашга ўтишидир. Бу йўналишни ўрганиш, ўзлаштириш ва унинг талаблари асосида маданият соҳасида замонавий ўзбек маданият мейнстримини аниқлаш долзарб муаммолардан биридир.



Ўзбекистон тасвирий санъати ўз бадиий таълим тарихига, шаклланиш даврлари, устозлари, ютуқлари ва анъаналарга эга. Лекин, шу билан биргаликда, Ўзбекистон бадиий таълими — бу жаҳон бадиий таълимининг ажралмас қисми эканини, замонавий жаҳон бадиий таълимидаги кескин ўзгаришлар ва инновацион жараёнлар, умуман жаҳон санъатининг тараққиёти бадиий таълимга таъсир қилишини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ўзбекистон бадиий таълими йўналишига назар ташлар эканмиз, албатта, бу борада ютуқларимиз етарли эканлиги кўзга ташланади. Лекин, шу билан бирга, бизда жаҳон миқёсидаги бадиий жараёнлар ҳақида маълумотнинг йўқлиги, замонавий ахборот технологияларининг етишмаслиги, бошқа бадиий таълим муассасалари билан маданий алоқалар йўлга қўйилмагани ҳам бор гап.

Бадиий таълимнинг назарий ва амалий муаммолари принципиал масала бўлиб, уларнинг ечими санъатимизнинг келажагини, эртанги кунини белгилайди. Эртага ким ўзбек тасвирий санъатини жаҳон миқёсида намойиш қилади? Келажак санъатимизнинг шаклланиши учун олий бадиий таълимнинг бугунги кундаги қайси йўналишларига эътибор бериш керак?

Мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишдан мақсад, аваламбор етук, эркин, маънавий бой ва санъатда ўрнини топа оладиган ижодкор шахсларни тарбиялашдир. Бу мақсадга эришишдаги дастлабки қадам тасвирий санъат соҳасида жаҳон таълим муассасалари тўплаган тажрибадан унумли фойдаланишдир. Бунинг учун, шароитдан келиб чиққан ҳолда, ўзимизнинг бадиий таълим концепциямизни яратишимиз керак.

Қолаверса, бизда бадиий таълимнинг кўпгина назарий муаммолари ҳамон ечимини кутиб турибди. Масалан, таълим услуби сифатида реализм масаласини олайлик. Бугунги кунда баъзи таълим муассасаларда бу йўналишдан умуман воз кечиш ҳоллари кузатилмоқда. Баъзи бирлари, аксинча, сақлаб қолганини кўрамиз. Лекин, энг муҳими шундаки, реализм тушунчаси XXI асрга келиб дунё миқёсида кенг қамров касб этди. Буни биз Ғарбий Европа, Америка олимларининг назарий тадқиқотлари мисолида кўришимиз мумкин.

Яна муҳим назарий муаммолардан бири шуки, таълимнинг маданиятга, маданиятнинг эса таълим соҳасига интеграциясини кучайтириш зарур.

Бадиий таълимнинг муҳим назарий муаммоларидан яна бири — эркинлик билан биргаликда миллийликни сақлаб қолиш масаласидир. Чунки, умуман олганда глобализация жараёнида маданий меросни сақлаш, миллийликни англаш ва ривожлантириш муҳим муаммо бўлиб қолиши турган гап.

Ўқув жараёнида, бизнингча, энг муҳими, ўқув даргоҳларининг ҳақиқий ижодий масканга айланишидир. Бунинг учун янги ахборот технологияларини қўллаш, «интерактив» ва дистанцион таълим услубларини ўқув жараёнига олиб кириш, турли семинарлар ва «мастер-класс»лар ўтказиш, зарур бўлган янги мутахассислик фанларини ўқув режага киритиш, тасвирий санъат таълимига оид хорижий бадиий муассасалар билан алоқаларни тиклаш ва тажриба алмашиш зарур.

Барча долзарб муаммоларни ечиш учун янгича фикр юритишимиз, ташаббускор бўлишимиз ва энг муҳими, бошқа ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

**Камола ОҚИЛОВА,**
**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бош илмий котиби, санъатшунослик фанлари доктори**



*Журналларни варақлаганда*

**«Мозийдан садо» журналининг навбатдаги 2-сони мухлислар эътиборига ҳавола этилди.**




Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ўзбек халқининг моддий ва маънавий ёдгорликларини асрабавайлаб, дунёга кўз-кўз қилиб келмоқда. «Илмий ва маърифий маскан» деб номланган мақола муаллифи Жаннат Исмоилова мазкур музейнинг шу кунгача босиб ўтган йўлини тавсифлаб, истиқболи ҳақида ҳам аниқ фикрларни айтади. Равшан Фатхуллаевнинг «Муҳит Раҳимов уй-музейи» мақоласи мазкур мақоланинг мантиқий давомидир.

Бухорони бутун дунё билади, аммо «Бухоро» номи қандай келиб чиққан? Бу саволга жавобни Фарҳод Қосимов ва Умар Рашидовнинг «Фохира — мўъжиза шаҳар» мақоласидан билиб оласиз. Журналнинг навбатдаги саҳифаларида Гавҳар Дурдиева қаламига мансуб «Хива тарихий-меъморий ёдгорликларини сақлаш муаммолари», Аъламхон Набираевнинг «Мусохонхожа Даҳбедийнинг иршодномаси», Шодмон Воҳидов ва Бобур Аминовнинг «Жамол ал-Қаршийнинг Ал-Мулҳақат би-с-Сураҳ» асарининг янги рўйхати, Жалолиддин Жўраевнинг «Ферузнинг тарихчи иниси», Шамсиддин Камолиддиновнинг «Ўзбекистоннинг ўрта асрларга оид хариталари» каби бир-биридан қизиқ, илмий мушоҳадага бой мақолалари жой олган.

Журналхонлар Музроб Тошмуҳаммедовнинг «Бобурийлар пойтахти» мақоласининг 3-қисмида жаҳондаги етти мўъжизанинг бири — Тож Маҳал қасри ҳақида сўз боради. Америкалик тадқиқотчи олим Рафаэл Пампеллининг «Қадимги тамаддунлар изидан» китоби орийларнинг келиб чиқишига бағишланган. Ушбу китобга Рустам Мирзаев ёзган ихчам, шу билан бирга муфассал тақриз муштарийларда қизиқиш уйғотиши табиий. Китобда кўтарилган мавзу бевосита «уйқудаги гўзал» — Фарғона водийси тарихига дахлдорлиги билан ўзбек ўқувчисини бефарқ қолдирмайди.

**Азиза АЛИБОЕВА**
**Ўз МУ талабаси**

*Доимий ҳамроҳ*

## «ҚЎШИҚ ВА САНЪАТКОР»




Машҳур санъаткорларнинг ҳаёт ва ижод йўллари барчани бирдек қизиқтириб келган. Шунинг учун ҳам улар ҳақида ёзилган асарлар ёки ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида ўзлари ёзган рисолалар қизиқиш билан.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика методика ва ахборот маркази ҳамда Тошкент давлат Маданият институти томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган «Қўшиқ ва санъаткор» номли китоб ҳам шу маънода кўпчиликнинг эътиборини тортади, деб ўйлаймиз.

Китобнинг биринчи қисмида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаевнинг ҳаёт ва ижод йўлидан ҳикоя қилувчи алоҳида-алоҳида лавҳалар берилган бўлса, иккинчи қисмида хонанда ижросидаги қўшиқларнинг нота ёзувлари ҳамда матнлари берилган.

Сўзбоши муаллифи, профессор Саодат Йўлдошеванинг таъкидлашича «... Ушбу ўқув қўлланмаси ўзбек халқ қўшиқларини ижро этиш усулларини ўрганаётган талабаларга «Якка қўшиқ ижрочилиги анъаналари» фанини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир». Шунингдек, китоб маданият ва санъат таълими муассасаларида таҳсил олаётган талабалар, ўқитувчилар, ўзбек қўшиқчилиги билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобга филология фанлари доктори М.Жўраев масъул муҳаррирлик қилган, тақризчилар — профессор Р.Турсунов ва доцент Н.Қосимов.

### ГОЙЙА ҲАҚИДА ФИЛМ

Машҳур чех режиссёри Милош Форман буюк испан рассоми Франсиско Гоййа ҳақида филм олмоқчи деб хабар беради «El Pais» газетаси. Филмнинг шартли номи инглиз тилида «Гоййа шарпалари» (Goya's Ghostes), испанчада эса «Гоййа эҳтирослари» (Los fantasmas de Goya) деб аталади.

Режиссёрнинг айтишича Гоййа образини «Зулматдаги раққос» ва «Догвилле» филмлари орқали оламга танилган швед актёри Стеллен Скарсгард яратади.

М. Форман филмни суратга олишни 2002 йили бошламоқчи эди. Аммо филм «пешонаси»га жорий йилнинг сентябр ойида бошланиб, 2006 йили якунланиш ёзилган кўринади.

### РЕКОРДЛАР КИТОБИНИНГ РЕКОРДИ

1955 йилнинг октябр ойидан нашр қилина бошлаган «Гиннеснинг рекордлар китоби» қарийб қирқ тилда чоп этилган. Инсоният тарихида нусхаси юз миллиондан ошган китоблар кўп эмас. Қуръони Карим, Инжил Мао Цзэ-дун асарлари, «Гарри Поттернинг саргузаштлари» адади 100 миллион нусхадан ошди. Бироқ «Гиннеснинг рекордлар китоби» адади ҳаммасидан ошиб кетиб, яна бир янги рекорд ўрнатилди.

Бу муваффақиятни нишонлаш мақсадида дунёнинг бир қанча шаҳарларида катта-катта тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Нью-Йоркда «бир вақтда ёриладиган» пуфакларни учириш тадбири шулар жумласидан. Агар беш юз бола иштирок этадиган ушбу байрам муваффақиятли якунланса, «Гиннеснинг рекордлар китоби» яна бир янги рекорд билан бойийди.

### ЧАПЛИННИНГ ШЛЯПАСИНИ СОТИШМОҚЧИ

Чарли Чаплиннинг шляпаси ва ҳассасини қўлга киритмоқчи бўлсангиз, яқин кунларда Лондонда бўлиб ўтадиган «Бонхамс» аукционига шошилинг.

Афсонавий комик актёр шляпа ва ҳассада илк бор «Буюк диктатор» филмида суратга тушган эди. Кимошди савдосига қўйилаётган ушбу буюмларнинг бошланғич нархи 300 минг доллар бўлиши кутилмоқда.

### ЛУВР СУРАТГА ОЛИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Жаҳондаги энг машҳур музейлардан бири — Париждаги Лувр музейининг директори Анри Лауретт музей ичида Дэн Брауннинг «Код да Винчи» асари асосидаги филмни суратга олишга розилик берди... Июн ойида съёмкаси бошланган ушбу филмда таниқли актёр Том Хэнкс Роберт Лэнгдон қиёфасида намоён бўлади. Бундай масъулиятли, аммо шарафли ишда машҳур режиссёр, «Оскар» мукофотининг лауреати Рон Хауэрд ҳам ғайратини аямаяпти. Музей директори Анри Лауретт филм ижодкорларига улар учун зарур бўлган ашёларнигина суратга олишларига рухсат берган.

«Код да Винчи» филми Рон Хаэурдга шуҳрат келтирадиган учинчи машҳур филм бўлиши тахмин этилаётир. «Код да Винчи» филмининг тақдимот маросими 2006 йил 17 майга мўлжалланган.

Омон бўлсак кўрамиз: 130 миллион доллар сарфланган бу филмни томошабинлар қандай қабул қилар эканлар?

### КЛИНТОННИНГ МУСИҚИЙ ТЎПЛАМИ

Билл Клинтон ўзининг мусиқий тўпламлари билан машҳур экан. Яқинда Қўшма Штатларда, собиқ президентнинг яна бир мусиқали диски сотувга чиқади. «Оқ уй»нинг собиқ хўжайини дискидан рок-н-ролл ва жаз мусиқалари ўрин олган.

Афсонавий мусиқачилар — Жон Колтрейн, Майлз Девис, Нина Симон, Жуди Коллинз мусиқалари ҳам ушбу дискка киритилиши кутилмоқда. Дисклар Арканзасдаги Билл Клинтон кутубхонасида сотилиши мўлжалланаётир.

*«Ўз АС» калейдоскопи*

### БОЛЛИВУДНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ФИЛМИ

Болливуднинг энг қиммат филми экран юзини кўрди. Таниқли режиссёр Амир Хоннинг «Уйғониш» номли бу филми Ҳиндистон ва Буюк Британия катта экранларида намойиш қилинмоқда.

1857 йилги Ҳиндистондаги «Сипоҳийлар қўзғолони»га бағишланган филм бюджети 10 миллион доллар бўлиб, ҳинд ва инглиз тилларида экранга чиқади.

«Уйғониш» ҳозиргача Болливудда ишланган энг қиммат филмдир.

Амир Хон фақат режиссёр эмас балки актёр сифатида ҳам қатнашиб Мангала Панди яъни номи афсонага айланган киши образини яратди. Бош ролллардан яна бирини инглиз актёри Тоби Стивенс ижро этди.

Энди икки оғиз филм мазмуни ҳақида: 1857 йили Ҳиндистон аскарлари Британиянинг Ост-Индия компанияси ҳукумронлигига қарши бош кўтаради. Шу қўзғолон туфайли давлат бошқаруви бутунлай Британия қўлига ўтди...

Филмни суратга олиш учун икки йил вақт сарфланган. Болливуднинг мелодрама филмларидан фарқли ўлароқ «Уйғониш» атиги 1,5 соат давом этади.

### ДЕНГИЗ ТАГИДАГИ АЖАБ ДУНЁ

Миср археологлари олий кенгашининг бош котиби З. Ҳаваснинг маълумот беришича, Ўрта денгизнинг Миср соҳилларида сувости археологик музейи очилади.

Музей, Искандрия яқинидаги археологик ашёларга бой денгиз соҳилида барпо этилади.

Сувости археологик қазишмалари 1995 йилда бошланган бўлиб, ўтган йили давомида кўп қадимий буюмлар: ҳайкалчалар, идишлар, тангалар топилган. Қазув ишлари давом эттирилади, аммо энди топиладиган буюмларнинг ҳаммаси денгиз тубида қолади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги барчангизга қутлуғ бўлсин!





Хушҳаво "Чортоқ" ҳамиша сизларни кутади.

Денгиз сатҳидан 530 метр баландликда хилма-хил ўсимликлар дунёси, мевали-манзарали дарахтлару гулзорлар бағрида жойлашган сиҳатгоҳда дам олиш, ташҳис қўйиш, даволаш бинолари, спорт майдонлари, 400 ўринли ошхона, 600 ўринли санъат саройи, кутубхона, қишки ва ёзги рақс майдонлари мавжуд, юксак малакали ҳаким ва ҳамширалар ҳамиша хизматингизда.

Сиз азизларга тан-сиҳатлик, юртимизга боқий иқбол тилаймиз.

Улуғ айём қутлуғ бўлсин!

"Чортоқ" сиҳатгоҳи жамоаси





Манзилимиз:
Наманган вилояти,
Чортоқ тумани,
"Чортоқ" санаторийси.
Телефонлар:
(8.36941) 23-261;
26-330; 26-135.

# АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ТЕАТР МУХЛИСЛАРИ!

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси барча юртдошларимизни, театр санъатининг фидойи мухлисларини ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрам - Мустақилликнинг 14 йиллиги билан чин дилдан самимий муборакбод этади. Ҳаётингиз ҳамиша фаровон, хонадонингиз тинч ва осуда бўлсин. Озод Ватанимизга кўз тегмасин, болаларимиз роҳатини кўриб яшаш ҳаммамизга насиб этсин! Театримиз эшиклари сиз азизлар учун ҳамиша очиқ! Севимли санъаткорларингиз сизларни хушнуд этишга,театр оқшомларингиз мазмунли ва роҳатбахш ўтишига астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мустақиллигимиз шарофати бўлмиш муҳташам кошонамизга ҳар бир ташрифингиз сизга, оила аъзоларингизга олам-олам қувонч, маънавий ҳузур олиб келсин!






# Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси "Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида" китобини тайёрлаб, нашр этди.

Китобда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ҳамда мамлакатни модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор ғоя ва йўналишлари жаҳон тажрибаси ва истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар асосида атрофлича шарҳланиб, мамлакат тараққиётининг бугунги босқичида Юртбошимиз белгилаб берган вазифаларни амалиётга татбиқ қилиш йўллари баён этилган. Мазкур китоб илмий муассасалар, ҳокимлик, вазирлик, давлат қўмиталари, агентликлар, жамоат ташкилотлари бошқарув бўғини раҳбар ходим ва мутахассисларига мўлжалланган.

**Китобга буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.**




Шунингдек, "Миллий истиқлол ғояси " туркумида "Кучли давлатдан - кучли жамият сари", "Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилининг амалга оширилиши", "Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти", "Эркин иқтисодиёт тамойиллари", "Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари", "Судларнинг янги мақоми" каби жами 18 номда рисолалар нашр этилди. Рисолаларда Ўзбекистонда давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш борасида ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми - тадрижийлик ва босқичма-босқичлик тамойилининг моҳияти миллий истиқлол ғояси асосида баҳоланган ҳамда янгича ёндашув, ғоя ва қарашлар мажмуи сифатида талқин этилган.

Рисола ҳокимликлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари раҳбар ходим ва мутахассислари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**Мазкур рисолаларга буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.**




Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45.
Қўшимча маълумот учун телефон. 132-60-57; 132-61-22; 132-60-76. Факс: 139-17-83

AKADEMIYA нашриёти

# “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

O`ZBEKISTON POCHTASI

*Тошкент филиали жамоаси барча юртдошларимизни ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрам - Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги билан самимий муборакбод этади.*

*Почта хизматларидан фойдаланаётган барча мижозларимизга, пенсионер ва обуначиларга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.*

*Ҳурматли Ватандошлар!*

*Почта алоқаси бўлимларида сиз газ, электр энергияси, телефон, сув ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз, хоҳлаган номдаги газета-журналларга обуна бўлишингиз мумкин.*

*Биз сиз учун барча зарур қулайликларни яратиб берамиз.*

*Биз билан ҳамкорлик қилинг!*

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳаммамизга қутлуғ бўлсин!**



# ҒАЛЛАБАНК

“Ғаллабанк” ҳамкоринг бўлса, ҳисобдан адашмайсан!

*“Ғаллабанк” республика акциядорлик-тижорат банки жамоаси Истиқлолимизнинг 14 йиллиги муносабати билан барча ватандошларимизга энг эзгу ниятларини йўллайди.*

*Шу улуғ айём арафасида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.*

*“Ғаллабанк” сиз азизларга хизмат кўрсатишни ўзининг шарафли вазифаси деб билади.*

*Биз билан ҳамкорлик қилинг.*

**“Ғаллабанк” ҳамиша сиз билан!**

# “Янгийўл индустрия”

корхонаси меҳнат жамоаси азиз ватандошларимизни ҳаммамиз учун улуғ ва азиз бўлган Мустақиллик байрамининг 14 йиллиги билан самимий қутлайди. Йўлингиз ойдин ва равон бўлсин, муҳтарам юртдошлар! Азиз халқимизнинг фаровон келажак, нурли манзиллар сари одимлари ҳамиша омадли ва бехатар бўлишига тилакдошмиз!



**БАХТ ВА ОМАД ЙЎЛДА ЙЎЛДОШИНГИЗ БЎЛСИН!**

# ИЛОҲИЙ НЕЪМАТГА ШУКРОНА

## ҲАЁТБАХШ ФАРМОНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Раҳимжон ОТАЕВ

Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг ҳикматли сатрлари, чунончи шундай бир қуйма рубоийси кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ десак, муболаға қилмаган бўламиз:

**Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,**
**Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,**
**Ҳар ненким севмак ондин ортиқ бўлмас,**
**Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.**

Аллоҳ Таоло томонидан ҳар бир бандасига беминнат ато этилган илоҳий неъмат, ғанимат фурсат – умрга ошуфталик, ҳаётга муҳаббат, яшаш иштиёқи, тириклик саодатини бундан-да мухтасар ва қурч ифодалаш амримаҳол.

Ўйлаб қарасангиз, олам шу қадар мукаммал яратилганки, унда энг улкан жонзот, дейлик, океандаги китдан бошлаб то энг кичик жонзот, дейлик, миттигина чирковга қадар жамики жониворлар яшаш учун курашадилар. Яшаганда ҳам тинч-осуда, баҳузур-бахаловат, бамайлихотир-бехавотир, эмин-эркин, тўқ-фаровон яшашга интиладилар. Тириклик нашидасини ўзларича туйиб, «ҳаёт» деб аталмиш тансиқ неъматдан баҳрамандлиги учун ўзларича шукрона айтиб, биз тушунадиган ва тушунавермайдиган тилларда Яратганга ҳамду сано ўқиб умргузаронлик қиладилар. Еру осмон, уммону музликлардаги хилма-хил жониворларнинг яшаш тарзини оинаи жаҳоннинг жонли табиат кўрсатувларида томоша қилиб, яшаш имкониятининг нечоғлик чексизлигидан такрор-такрор ҳайратга тушасан киши! Қай бири учибқўниб, қай бири судралиб-эмаклаб, қай бири чопиб-чопқиллаб, қай бири бошқа жониворлар, ҳаттоки ўз аждодларию зурёдларининг кушандаси сифатида насибасини топиб еяётган минглаб-миллионлаб жонзотлар!..

Сержило тилимизда жонли табиатнинг яшаш тарзини аён кўрсатувчи учта пурмаъно сўз бор: парранда, дарранда, газанда. Жамики жониворлар ўз табиати, хусусан, нимани қандай истеъмол қилиб яшаши, дейлик, ўтхўрлиги, гўштхўрлиги ва гўсхўрлигига кўра яна бир туркум сўзларда таърифланади: ёввош, ёввойи, ёвуз, йиртқич, қонхўр, ваҳший... Ҳайвонот оламидаги ваҳшийликларнинг турлари кўп: наҳанглар чурвақаларни ямламай ютиб яшайди. Илонлар бақаларни аврайди, буқаламунлар ўлжаларини узун тиллари билан юлибюлқилаб тирикчилик қилади. Қари бургут бошини қояга уриб, ўз жисмини ўзи тилка-пора этади. Очлик ва ўлим хавфи хуруж қилганида бўри ўз онасига, қузғун ўз боласига чанг солишдан қайтмайди... Жонли табиатга хос ажойиботни кўрингки, шер шер билан олишади, от тепкисини от кўтаради, ит ит билан ғажишади, лекин аксарият ваҳший йиртқичлар ҳам бирининг гўштини иккинчиси емайди: арслон — арслонни, қоплон — қоплонни, тимсоҳ — тимсоҳни ўлдирмайди. «Оламдаги энг олий мавжудот», «Коинот гултожи» дея таърифланувчи энг мукаррам ва мушарраф зот – инсон эса, ўзига ўхшаган бошқа бир инсонни ўлдиради-да, бу ўтакетган ваҳшийлигини ўз тилида аниқ-тиниқ ифодалайди: «қотил». Бугина эмас! «Қонга — қон, жонга — жон» қабилидаги жоҳилона шиор остида бола отанинг хунини, набира бобонинг қасдини олишга тушиб, қасддан одам ўлдириши мумкин. «Мушт кетди» деганларидек, бундай қотилликлар янгидан-янги қотилликларни келтириб чиқариб, улар, ўз навбатида, кўламли уруш-жанжаллар, миқёсли жанг-жадалларга уланиб кетади...

Ҳолбуки, қонни қон билан ювиб бўлмаганидек, ваҳшийликни ваҳшийлик, ёвузликни ёвузлик, жаҳолатни жаҳолат билан енгиш мумкин эмас. Халқимизнинг «Ёмонликни яхшилик билан енг» қабилидаги кўпдан-кўп мақоллари – одам боласини эзгулик, тинчлик-тотувлик, осуда ҳаёт, осойишта умр кечиришга чорловчи ҳикматли гаплари билан муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга чорловчи оташин даъватлари ўзаро ҳамоҳанг – вобастадир.

Башарият тарихида Одам Ато замонидан буён энг машъум жиноят ҳисобланувчи «қасддан одам ўлдириш»дек жаҳолат, бошқа бир одамнинг жони ва ё ўз жонига суиқасд қилишдек ваҳшийликка барҳам беришнинг эзгулик, олийжаноблик, инсонийлик мезонларига тўла мувофиқ келадиган йўллари жуда кўп қидирилган ва ҳали-ҳануз қидирилмоқда. Бундай олийжаноб мақсадларда ҳаттоки Масиҳо каби ўликка қайта ҳаёт бахш этиш сингари мўъжизалар ҳам кўрсатилган. Лекин айни Исо алайҳиссаломдек масиҳ нафасли мўъжизакор пайғамбарнинг хочга михлаб қатл этилганига нима дейсиз! Яхшиликка ёмонлик ва гуноҳи азим шунчалик бўладида! Ҳолбуки, пайғамбарми ва ё оддийгина осий банда — ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир одам боласига Аллоҳ Таоло томонидан беминнат армуғон этилган илоҳий неъмат – Умрни хазон қилиш, инсон ҳаётига зомин бўлиш, унинг танасини жонидан жудо этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Буюк Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Раззоқ сўфи тилидан унинг пири муршиди Хаст Эшонга айтилганидек, «Берган олади», яъни бандасига жонни ким берган бўлса, ўшагина қайтариб олишга ҳақли! Ўз жони ва ё бошқа бировнинг жонига қасд қилиб, куфрона неъматга берилган ношукур банда шунчаки қотил эмас, бидъат-хурофот бандаси, ўтакетган даҳрий-худосиз ҳамдир. Шу боисдан ўз жонига қасд қилган кимсага жаноза нораво. Ўзга бир одамнинг жонига қасд қилган кимса эса, бандалик, мўминлик, ҳазрати Инсонлик мартабасидан мосуво. Ва, аксинча, жонидан айро тушган ўликни тирилтириб, унга янги ҳаёт, иккинчи нафас бахш этиш Исо алайҳиссаломдек Яратганнинг энг суюкли бандалари — пайғамбарлар, авлиёлар ва алломаларга, ўлим таҳликасида турган гуноҳкор бандага ҳаёт бахш этиш, афв, омонлик, раҳм-шафқат ва марҳамат-мурувват назари билан қараб, «бир қошиқ қондан кечиш» эса, одил ҳукмдор ва инсонпарвар жамиятга хос фазилатлардир.

Узоқ умр кўришнинг бир қарашда энг содда, осон ва тўғри йўлини халқимиз ўз ҳикматли гапида шундай уқтиради: «Ўзгага ўлим тилагунча, ўзингга умр тила». Ўйлайманки, умрзоқликнинг яна бир сири умр деб аталмиш илоҳий неъматнинг қадрига етиб, ғанимат умрни астойидил ардоқлаб-эъзозлаб, унинг ҳар бир лаҳзасига шукрона айтиб яшашда, шу асно ниятни яхши ва бутун қилишдадир. Жаҳонни ҳайратга солиб турган «Япон мўъжизаси», хусусан, юз ёшдан ошган нуронийлар орасида япон халқи вакилларининг жаҳонда энг кўплиги аввало ана шундай ниятнинг яхшилиги ва бутунлиги сабабли бўлса не ажаб!

Энди, келинг, дўстлар, биз – тириклар, токи тирик эканмиз бир-биримизнинг ҳам, ўз-ўзимизнинг ҳам қадримизга етиб, усиз ҳам қисқа умримизнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиб, ҳар лаҳзасига шукрона айтиб яшайлик. Зеро, донишмандликда беназир халқимиз ўзининг ҳикматли гапларидан бирида дейдики, «Одам боласи элликдан кейин — йилларни, олтмишдан кейин — ойларни, етмишдан кейин — ҳафталарни, саксондан кейин — кунларни, тўқсондан кейин — соатларни, юздан кейин — лаҳзаларни тинч-осуда, соғ-саломат ўтказганига шукрона айтиб яшайди». Нақадар ҳақ гап! Камина эллик олти ёш устида Сиҳат-саломатлик йилини сиҳат-саломат ўтказаётганимга, ёзнинг жазирама чилласидан соғ-омон чиқиб олганимга ҳар лаҳзада шукрона айтиб юрган кунларимдан бирида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини ўқидим-да, очиғи, қаттиқ ҳаяжонландим. Аё дўстлар, умрим бино бўлиб бундайин ҳаётбахш ва олийжаноб Фармонни кўрмаганман, десам ажабланманг. Инсонпарварлик – гуманизм принциплари асосида барпо этилаётган келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлатнинг раҳбари, бу муқаддас заминда ўлимга маҳкум этишларга узил-кесил чек қўйишга жидду-жаҳд қилган адолатли ҳукмдорнинг Фармони олийси бу! Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқини тўла кафолатлаб, одам боласига берилган энг даҳлсиз бисот, энг шахсий мулк, энг илоҳий неъмат – умри азизни эрта хазон қилмай, бандасининг жонини қачон қандай олишни Яратганнинг Ўзига ва унинг ишончли фариштаси – Азроил алайҳиссаломга қўйиб, бутун диққат-эътиборни юксак даражада ривожланган мамлакат, тараққий этган давлат, маданийлашган жамият, фозил

*Адиб ва жамият*

халқ ва комил инсон бўлиб яшашга қаратиш... Энг олий бахт-саодат, хумо қуши ўз қанотларида олиб келган ҳаётбахш насим мана шу эмасми, азизларим?! Шоядки «Ўзбекистон» деб аталувчи бу муқаддас заминда ўлим жазосини бекор қилишнинг шарофати билан қасддан одам ўлдириш, суиқасд, қотиллик, терроризм сингари ваҳшиёна жиноятлар, одам боласининг бевақт ўлимига сабаб бўлувчи бошқа жамики фалокатлар ва кулфатлар ҳам узил-кесил барҳам топса-да, барча яхшилар ёшини яшаб – ошини ошаб, ёмонлар ёмонликларини ташлаб – яхшиларга ёндошиб, ҳар бир инсон ўз мурод-мақсадига тўла етишган ва паймонаси лиммо-лим тўлган ҳолда беармон, ёруғ юз билан рози-ризолик тилашиб фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилса!

Шоядки шундай бўлса!

Ҳар қалай, олманинг тагига — олма, шафтолининг тагига — шафтоли тўкилганидек, ўлим тилаганга — ўлим, ҳаёт тилаганга — ҳаёт ўз қучоғини очади-да, яхшиликдан — яхшилик, ёмонликдан — ёмонлик, ёвузликдан — ёвузлик, эзгуликдан — эзгулик туғилади ва ўсиб-унади.

Мана, ўн тўрт йилдан буён жаҳонга беш қўлдек аён: мустақил Ўзбекистон давлатининг бош матлаби, мурод-мақсади ва номаи аъмоли ўлим эмас — ҳаёт, ёмонлик эмас — яхшилик, ёвузлик эмас — эзгуликдир. «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон буни жаҳонга яна бир карра аниқ-равшан кўрсатиб турибди.



# МЕҲР ВА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР

*Қатағон қурбонлари эди*

1929 йилнинг куз ойларида Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги миллий иттиҳодчилар, 1930 йилнинг ёз ойларида эса Боту бошчилигидаги Маориф халқ комиссарлиги ходимларидан иборат ўзбек зиёлиларининг икки катта гуруҳи қамоққа олинди. Барча маҳбуслар Москвага олиб борилиб, мудҳиш Бутирка қамоқхонасига ташланди. Боту сингари Москва давлат университетида таълим олган, рус қизига уйланиб, ўзининг «миллатчи» эмаслигини ошкора намойиш этган, ҳатто устозларини қоралаб шеърлар ёзган ёш шоирнинг қамалиши Чўлпон ва Фитрат каби кекса авлод вакилларини ташвишга солди. Ўз тақдиридан хавотирга тушган Фитрат, Чўлпоннинг илтимосига кўра, Файзулла Хўжаевнинг ҳузурига бориб, ундан нима қилиш лозимлигини сўради. Чўлпон Халқ комиссарлари кенгаши раисининг маслаҳати ва ёрдами билан 1931 йили Москвага кўчиб бориб, ўша ерда жон сақлади.

1932 йилнинг ёз ойларида ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) ходимлари республиканинг ўша вақтдаги пойтахти Самарқандда яна қамоққа олиш ишларини бошлаб юбордилар. 9 август куни Ғулом Зафарий, Миртемир, Олимбек Қодиров, Ҳаким Қодиров, Раҳмонқул Жумақулов, Ҳамид Қодиров, 12 августда эса Сулаймон Амиров ва бошқалар ҳибсга олиндилар. Фақат Муҳаммаджон Собировгина 1933 йил 22 май куни бўлиб ўтган ОГПУ коллегияси йиғилишида озод этиб юборилди. Қолган барча маҳбусларга 3 йиллик қамоқ жазоси берилди. Шундай жазога ҳукм қилинган маҳбуслар орасида Сулаймон Амиров ҳам бор эди.

Сулаймон Амиров 1907 йили Туркистон шаҳрининг Қарноқ қишлоғида, дурадгор оиласида дунёга келган. Дастлаб қишлоқ мадрасасида таҳсил кўрган. 1919 йили эса янги очилган шўро мактабига ўқишга кирган. Аммо ёзги таътилдан кейин отасининг тазйиқи билан мактабни ташлаб, яна мадрасада ўқишни давом эттирган. 1923 йилга келиб, мадраса таълимининг истиқболсиз эканини кўрган отаси яна ўғлининг шўро мактабида ўқишига розилик беради. 1924 йилнинг август ойида эса Сулаймон Самарқандда ўқитувчилик қилаётган қариндоши Парфи Азизовни қора қилиб Самарқандга ўқишга боради. Бироқ Сулаймон бошқа жумҳуриятдан келганлиги сабабли умумтаълим мактабига қабул этилмайди. Шундан кейин у совет-партия мактабига ўқишга киришга мажбур бўлади ва 9 ойдан кейин шу мактабни тугатгач, Булунғур туманининг Жомбой қишлоғидаги биринчи босқич мактаб мудирлигига тайинланади.

Ўқитувчилик шундай ғаройиб бир касбки, бу соҳани танлаган кишининг ўзи устида ишламаслиги, билим хазинасини мунтазам ривишда ошириб бормаслиги асло мумкин эмас. Бу ҳақиқатни тушунган Сулаймон 1927 йили собиқ мактабдошлари — Алимбек ва Ҳамид Қодировлар билан бирга Қозон шаҳридаги Татар педагогика техникумига ўқишга киради. Бегона шаҳарда мусофирликда яшаш машаққати Сулаймон ва унинг биродарларини техникумнинг 3-курсини тугатибоқ она-юртларига қайтишга мажбур этади. Қолаверса, улар назарида, IV ва V курсларда ўтилажак методика ва педагогик тажрибасиз ҳам киройи ўқитувчи бўлиш мумкин эди.

Қозонда иқтисодий қийинчиликни бошидан кечирган Сулаймон Самарқандга қайтиб, дастлаб моддий аҳволини ўнглаб олмоқчи бўлди. Шу ниятда бирор муддат турли курсларда





ўқитувчилик қилиб, сўнг Педагогика академиясига (ҳозирги Самарқанд давлат университети) ўқишга кирди. Аммо, бахтга қарши, стипендияга илинмай, бунинг устига, отаси вафот этиб, ўқишни ташлаб кетишдан бошқа иложи қолмади. Сулаймон 1930-1931 ўқув йилида қишлоқ хўжалик техникумига ишга кириб, она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади.

Сулаймон Амиров Жомбой туманида хизмат қилган кезларида шу туманлик ўқитувчи Мулла Раҳмонқул Жумақулов билан танишиб, у билан бўлган мулоқотларда Чўлпон шеъриятини кашф этди. Мулла Раҳмонқул билан биргаликда Чўлпон шеърларининг мағзини чақиб, бу шеърларнинг ҳам бадиий гўзаллиги, ҳам миллатпарварлик руҳидан ҳайратга тушди. «Маориф ва ўқитғувчи» журналида эълон қилинган адабий ва публицистик асарларни ўқиб, теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлади. Мулла Раҳмонқул ўзбек тилидаги журналлардан ташқари, Озарбойжонда нашр этиладиган «Маориф ва маданият» журналини, Ҳусайн Жовид ва бошқа озарбойжон ёзувчиларининг асарларини ҳам олиб турар экан. Сулаймон Амиров озарбойжон адабиёти орқали секин-аста турк ёзувчилари ижоди намуналари билан ҳам ошно бўлиб борди.

Сулаймон Амиров Қозонга ўқишга борганида дафъатан Сунnатилла Муқимов деган ҳамқишлоғини учратиб, у билан яқиндан танишади. Ўша ердаги Шарқ педагогика институтида таҳсил кўраётган бу талаба бир-икки кўйлакни ортиқ йиртгани ва Қозонга бир-икки йил аввал келиб ўқиётгани сабабли Сулаймон Амировга нисбатан кўп нарсани билар, ҳаётга ҳушёр кўз билан назар ташларди. У Сулаймон Амиров билан бўлган учрашувларда унинг хаёлига келмаган бундай гапларни айтади: «Совет ҳукуматининг миллий республикаларда олиб бораётган сиёсати — хато сиёсат. Москвада миллион-миллион пуллар сарфланиб, ҳар йили қанча-дан-қанча заводу фабрикалар қурилаётган бўлса, Ўзбекистонда кўзга чалинадиган бирорта ҳам ўзгариш йўқ. Ҳолбуки, Ўзбекистон бутун СССРни пахта билан таъминламоқда...»

Бундай сўзлар, ўқилган китоблар Сулаймон Амировнинг дунёқарашини секин-аста ўзгартира бошлайди.

Сулаймон Амиров ўқиган техникумнинг яқинида Шарқ кутубхонаси бўлиб, унда турк, ўзбек ва татар тилларидаги истаган китобни топиш мумкин эди. Сулаймон якшанба кунлари шу кутубхонага бориб, турк ёзувчилари асарларини ўқишга киришди, замонавий ўзбек адабиётида қарийб бўлмаган ё ўзи сезмаган, аммо бу асарларда ўз ифодасини топган миллий руҳни, миллий мақсадни, миллий ғояни кўргандек бўлди.

Хуллас, у Самарқандга қайтиб, дастлаб мактабгача курсларда дарс берганида айрим ўқитувчиларнинг маҳаллий ёшларга истеҳзоли муносабатини, академияда ўқий бошлаганида эса ректорнинг хўжалик бўйича ўринбосари Введенскийнинг маҳаллий талабаларга нисбатан ошкора шовинистик хатти-ҳаракатини кўрди ва миллий



ғурури ҳақоратланганидан қаттиқ изтироб чекди.

Шу йиллари Самарқандда яшаётган бошқа ёшлар қатори, туркистонликларнинг ҳам ўз гапгаштаклари бор эди. Сулаймон Амиров шундай «гап»ларда ўзини қийнаган масалаларни четлаб ўтолмади — совет давлати миллий сиёсатининг нотўғри ўзанда кетаётгани, шовинизм шу сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб бораётгани, Боту сингари ёш зиёлиларнинг бекордан-бекорга қамоққа олингани ва шунга ўхшаш масалалар ҳақида сўзлайдиган бўлди.

«Тилим бор деб сўйлайверма, деворнинг ҳам қулоғи бор», деган нақл шу йиллари пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Ҳар уч кишидан камида бирини ёллаган ОГПУ—ГПУ—НКВДнинг қулоқлари Сулаймон Амиров сингари кишиларнинг ҳар бир сўзини тинглаб — эшитиб — қайд этиб борган, ўша замонларда. Уларнинг шўроларга қарши бирор ташкилот тузиши ва бу ташкилотнинг шўроларга қарши бирор хатти-ҳаракат қилиши шарт эмас, шундай фикрга, хаёлга борганликнинг ўзи ОГПУ — ГПУ — НКВД назарида оғир жиноят эди. Шунинг учун ҳам Сулаймон Амиров юқорида тилга олинган сафдошлари билан бирга 1932 йилнинг 9—12 август кунларида қамоққа олинди.

Бу вақтда у эндигина 25 ёшга қадам қўйган эди.

Ёш «жиноятчи»лар Тошкентга этап қилиб юборилгунларига қадар Самарқанддаги қамоқхонада сақланди. У шу ерда терговга чақиришларини, кейин суд бўлишини кутиб ётди...

1932 йилнинг октябр ойида Самарқанддаги турманинг якка хонасида юрак қони билан битилган бу сатрлар фақат Сулаймон Амиров қалбининг оҳу фарёдигина эмас, балки мудҳиш йилларнинг тарихий ҳужжати ҳамдир.

Сулаймон Амиров жазо муддатини Тошкент ва Қарағандадаги лагерларда ўтказиб, 1935 йилнинг ёз ойларида озодлик офтобини кўрди. Шундан кейин Самарқанд вилоятининг Жомбой, Булунғур ва Зомин туманларидаги мактабларда ўқитувчилик қилди. Аммо унинг сиёсий модда билан айбланиб, қамалиб чиққанини эшитган одамлар ундан мумкин қадар узоқроқ юришга уринган бўлсалар, унинг пайига тушган хуфялар эса, аксинча, соя сингари унинг изидан бир қадам ҳам узилмадилар. Бунинг устига, «сиёсий идора» уни дам-бадам чақириб, тергаб, шубҳа остидаги бошқа кишиларнинг гап-сўзларини етказиб туришни талаб этди. Хуллас, 1937 йил даҳшатлари бошланганида Сулаймон Амиров Самарқандда ортиқ яшаш ўта хавфли эканлигини сезди ва Чимкент шаҳрига кўчиб бориб, ўша ердаги Ўзбек педагогика билим юртида ўқитувчилик қилди. Аммо бу ерда ҳам унга тинчлик берилмади. Сулаймон Амиров бу сафар Туркистон шаҳрига бориб, Саиднусир Миржалиловнинг ҳовлисида барпо этилган ўрта мактабда тил ва адабиётдан дарс берди.

1939 — 1940-йилларга келиб, «ички душман» тор-мор қилинган мамлакатга ташқи душман кўз олайтира бошлади. Қатағоннинг асов дарёси сокинлашгандек бўлди. Сулаймон Амиров педагогик билимини ошириш мақсадида Тошкентга келиб, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида ўқиди. 1941 йилнинг ёз ойларида эса армия сафига олиниб, Москва остоналаридаги қақшатқич жангларда оғир ярадор бўлди. Узоқ вақт госпиталларда даволанди. Сўнгра 1944 йилнинг апрел ойида ота юртига — Қарноқ қишлоғига уруш ногирони сифатида қайтиб келди. У 1968 йилга қадар шу ердаги мактабларнинг бирида ўзбек тили ва адабиётидан ташқари, рус тили ва адабиёти фанларидан ҳам дарс берди. Она тилидан бўлак яна олти-етти тилни билган Сулаймон Амиров Қарноқдан кўплаб юқори билимли, турли соҳалар бўйича истеъдодли кишиларнинг етишиб чиқишига катта ҳисса қўшди.

Сулаймон Амиров сабоқларини эшитиб улғайган атоқли ёзувчилардан бири Одил Ёқубовдир.

1937 йили Одил Ёқубов оиласининг ҳам бошига катта ғурбат тушиб, отаси қатағон этилди. Шаҳарда яшаш мушкул бўлганлиги сабабли бўлажак адибнинг амакиси «нон-нон деб чуғурлашган тўрт фарзанд» билан уларнинг онасини қишлоққа кўчириб олиб чиқди. «Қишлоққа келгач,— деб ёзган эди адиб таржимаи ҳолида, — мен олтинчи синфга қатнай бошладим. Бу сафар ҳам омад ёр бўлиб, ҳаёт мени ўз касбларини ниҳоятда севган, ниҳоятда зиёли адабиёт муаллимларига рўпара қилди. Улардан бири Маматамин (Муҳаммадамин) Маҳмудов, иккинчиси Сулаймон ака Амиров деган билимли, зиёли, шоиртабиат кишилар эдики, мен бу марҳум ўқитувчиларимни ҳамон чексиз меҳр ва эҳтиром билан эслайман».

Одил Ёқубов 1963 йили Москвада рус тилида нашр этилган «Золотое колечко» («Тилла узук») китобини устози Сулаймон Амировга бундай дастхат билан ҳадя қилган:

(«Устозим ва дўстим Сулаймон Амировга.

Ҳамма ҳам комил инсон бўлавермайди. Аммо ўзининг комил эмаслигини теран ҳис этган шогирднинг баркамол эмаслигини фақат катта саховат соҳиби бўлган устоз ва инсонгина кечира олади.

**О.Ёқубов.**

1963 йил 2 ноябр».)

Айтишларича, Сулаймон Амиров 1969 йилнинг 21 январида юрак хасталиги туфайли вафот этаётганида ҳам севимли шогирдининг ушбу китоби унинг қўлидан тушмаган экан.

**Наим КАРИМОВ**

# Дунё — кенг...



## СЕВГИ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

**Ҳақиқатан ҳам бу гапда жон борга ўхшайди. Буюк Британиялик пенсионер аёл ва ёш мусиқачи йигит яқинда бу гапни яна бир бор тасдиқлашди — улар дабдабали тўй қилишиб, турмуш қуришди.**

Англиядаги Сомерсет шаҳрида ўтган бу тўйда 71 яшар Эдна Таунсенд хоним ва 31 ёшли Дэвид Мартиннинг яқинлари, айниқса, ёш мусиқачи йигитнинг кўплаб мухлислари жам бўлишди.

Ўзини мусиқага, хусусан, органда куй чалишга бағишлаган М.Дэвиднинг тан олиб айтишича, ҳозиргача унинг ҳаётдаги ягона овунчоғи ва таянчи айни шу машғулотдир. Тўққиз ёшида эшитиш қобилиятини йўқотган Мартин муттасил машқлар туфайли ўзидаги органда куй чалиш истеъдодини кашф этди. Йиллар давомида созандаликнинг бутун сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, «иккинчи Бах» деган шарафли номга ҳам сазовор бўлди.

Эҳтимол, Эдна Таунсенд хонимни учратмаганда Мартин ҳануз яшашнинг мазмун-моҳияти фақат мусиқагина боғлиқ, деган фикрдан чекинмаган бўлармиди. Бироқ концертларидан бирида у бу аёлни кўриб, бир кўришдаёқ севиб қолди ва орани совутмай унинг қўлини сўради. Етмишдан ошганда тақдирнинг бундай иноятидан боши осмонга етган Таунсенд хоним Мартиннинг таклифини бажонидил қабул қилди.

## СУВОСТИДА МЕҲМОНХОНА

**Флоридалик бизнесмен сувости оламига иштиёқмандлар учун ғаройиб кошона қуришни режелаштирди. Яқинда у Багам ороллари қирғоғида беш юлдузли улкан сувости меҳмонхонасини қуриб ишга туширмоқчи. «Посейдон» деб номланган бу ғаройиб кошона ўн беш метр сувостида жойлашади. Унда йигирмата шинам хона, ресторан ва бар бўлади. Хоналарнинг деворлари қалин шишалардан тикланади ва меҳмонлар сувости оламини бемалол томоша қилиб дам олиш имкониятига эга бўладилар. Айни пайтда сувостида ҳеч қандай босимни ҳис этмайдилар, чунки меҳмонхона ичидаги босим ер устидаги босимдан фарқ қилмайди.**

Меҳмонхона лойиҳасининг нархи қирқ миллион долларга баҳоланган. Сувости қасрида бир оқшом тунаш мижозга бир минг беш юз долларга тушаркан.

Сувости меҳмонхонасининг лойиҳасини яратишга умрининг ўн етти йилини бағишлаган Брюс Жонснинг ишонч билан айтишича, 2006 йилдан бошлаб меҳмонлар бу кошонага ташриф буюришлари мумкин.

Агар фақат Американинг ўзида ҳар йили денгиз аквариумлари томошасига юз миллион одам тушиши назарда тутилса сувости меҳмонхонасига келадиганлар сони ва бундан тушадиган даромад, ҳарқалай, ёмон бўлмаслиги тайин. Зотан, сувости оламига қизиқувчилар сони йил сайин ортиб бораётир. Ҳатто мутахассислар яқин келажакда ҳар ўнта меҳмонхонанинг биттаси сувостида бўлади, дейишмоқда.

## КОНАН ДОЙЛ ҚОТИЛМИ?

**Ўлимидан кейин, орадан етмиш беш йил ўтиб, машҳур инглиз адиби Артур Конан Дойл кўчирмакашлик ва қотилликда айбланаётир.**

2000 йили Буюк Британияда Роджер Геррик-Стилнинг «Баскервиллар уйи» номли китоби чоп этилди. Унда муаллиф Конан Дойлнинг «Баскервиллар ити» асари аслида журналист Флетчер Робинсон қаламига мансублигини далиллашга уринган.

Конан Дойл, деб ёзади Ф.Робинсон «Баскервиллар ити» асарини ўғирлаш билан қаноатланмай, унинг муаллифини ўлдирган ҳам. Робинсоннинг хотини Конан Дойлнинг ўйнаши бўлган, деб ҳисоблайди Гаррик-Стил, ёзувчи уни эрига заҳар беришга кўндирган.

2005 йил июлида Гаррик-Стил олти кишидан иборат гуруҳ тузди. Гуруҳга ўзининг даъволарини исботлаш мақсадида патологоанатом ва таксинологни ҳам жалб этди. Ҳозир Робинсоннинг қабрини очиб, марҳум жасадининг қолдиқларини эксгумация қилиш учун рухсат олишга уринаётир. Бироқ Флетчер Робинсон даф этилган Сент-Эндрю черкови ва Девон шаҳри аҳли бунга мутлақо қарши.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчилар — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ, Нодир МАМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3330. Буюртма Г — 654. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН